

2034 йилга келиб Россия аҳолисининг 30% мусулмон бўлади



11:00 / 06.03.2019 2402

Россияда мусулмонларнинг кундан-кунга ошиб бораётганини маълум қилган Россия Муфтийлар кенгаши раҳбари Равил Гайнутдинов: “Экспертлар 15 йилдан кейин Россия аҳолисининг 30 фоизи мусулмон бўлишини таъкидлашмоқда”, деди.

Гайнутдинов Россиядаги мусулмонлар омили ислом динига кираётган русларнинг кўпайиши билан янада кўпроқ аҳамият касб этишини таъкидлади, деб хабар беради IQNA. У масжидларга келаётган намозхонлар сонининг мунтазам ошиб бораётганини, айнан шундай хулосалар чиқаришга асос бўлишини қайд этган. У ўтган Қурбон байрамида Москва шаҳридаги барча масжидларда 320 мингдан зиёд киши байрам намозига чиққанини ва бу рақам олдинги йилга қараганда анча

ошганини эслатиб ўтган.

Islom.uz